ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! • ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗРОҚ ВА СИФАТЛИ ТУГАЛЛАНГ • МАШИНА ТЕРИМИНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БАРЧА ВОСИТАЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК • ХИРМОН ЖОЙЛАР, ЙЎЛ-КЎПРИКЛАР, ТОШ-ТАРОЗИЛАРНИНГ ШАЙЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ТЕКШИРИБ КЎРИНГ • ЙИҒИМ-ТЕРИМНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ ЮКСАК СУРЪАТ УЧУН КУРАШИНГ •

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 175 (7665). • 11 сентябрь, 1981 йил • ЖУМА • Баҳоси 2 тийин.

МУҲИМ СОЦИАЛ ВАЗИФА

10 сентябрь куни Тошкентда соғлиқни сақлашга бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. КПСС XXVI съезднинг қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида республика аҳолисига медицина хизматини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, область, шаҳар ва район соғлиқни сақлаш бўлимларининг мудирлари, медик олимлар, медицина муассасалари ва ўқув юртларининг, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотлари секретарлари, касаба союз, комсомол ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри А. М. Худойберганов, Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Х. Худойқулов, Жиззах область ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Уролов, Беруний район партия комитетининг биринчи секретари А. Р. Ражапов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, Тошкент медицина институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги У. О. Орипов, Самарқанд область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири У. Ж. Жуманов, Ангрен шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи И. Ф. Галко, СССР халқ врачи, Уйчи марказий район касалхонасининг окулисти Н. Ю. Жумановалар ҳозир республикада касалхона ва поликлиникаларнинг кенг тармоғи мавжуд эканини, юқори малакали медицина ходимларининг катта армияси ишлаб турганини ўқтириб ўтдилар. Бу — Коммунистик партия билан совет ҳукумати эғ ғамхўрлигининг натижасидир, социалистик тузум ажойиб муваффақиятларининг самарасидир, партиянинг ленинча миллий сиёсати, совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги, кучи ва тантанасининг намойиши-дир. Унинчи беш йилликда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун уч миллярд сўмдан кўпроқ, яъни аввалги беш йилликка нисбатан учдан бир ҳисса ортиқ маблағ ажратилди. Икки юзтадан кўпроқ йирик соғлиқни сақлаш объектлари қурилди, медицина муассасалари энг янги аппаратлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Қишлоқ жойларда янги касалхоналар, поликлиникалар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари очилди. Болалик ва оналикни муҳофаза этиш тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Ихтисослаштирилган медицина ёрдами янада ривож топди, касалликларнинг олдини олиш тадбирлари самаралироқ бўлиб қолди. Ҳозирги беш йилликда республикада соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида тўрт юз миллион сўмга яқин маблағ ўзлаштириш, катта-катта касалхона-поликлиника комплексларини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга кенгашда мана шу энг муҳим социал вазифалардан бирини ҳал этишда ҳозирча мавжуд бўлган камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Медицина ходимларининг куч-ғайратлари медицина ёрдамини аҳолига имкони борича яқинлаштиришга, диагноз қўйиш ва даволаш сифатини оширишга, аҳолини замонавий дори-дармон билан таъминлашга, айниқса қишлоқ жойлардаги амбулатория-поликлиника хизмати фаолиятини яхшилашга қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Саноат корхоналари, колхозлар ва совхозлар меҳнатчиларининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш, соғлиқ зоналарини барпо этиш, стационарларни йириклаштириш ва ихтисослаштириш, медицина муассасаларини янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишини такомиллаштириш лозим. Барча соғлиқни сақлаш объектлари ўз вақтида ишга туширилиши муҳимдир.

«Оқ олтин» терими кунларида қишлоқда яшовчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини алоҳида контроллик остига олиш, ҳар бир пахтакорнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозимлигини кенгаш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар.

Кенгашда СССР Соғлиқни сақлаш министри С. П. Буренков нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусаҳонов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудов, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Р. С. Ашуралиев, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Хушхабарлар

НАВБАТ— МАЖБУРИЯТГА

«ОҲАНГАРОН» совхози 2-бўлимининг Нурмат Паршев етакчилик қилаётган сабзавотчилик бригадаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Улар ҳар гектар ердан 390 центнер ҳосил олиб, эл дастурхонига 660 тонна помидор тортиқ қилишга аҳд қилишган. Деҳқонлар давлатга 500 тоннадан знёд сабзавот маҳсулотлари топшириб, йиллик плани шараф билан бажаришди.

Бригаданинг Марҳамат Ўринбоев, Тожи Умрзоқова, Рисолат Эламасова каби ишчилари кунига 700—300 килограммдан помидор терио намуна кўрсатишяпти.

Бригада коллективи социалистик мажбуриятларини ҳам қисқа муддатда бажариш учун курашяпти.

О. ХУШНАЗАРОВ.

. . .

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Ўзбекшахтострой» трестининг сайқаллаш бошқармаси бунёдкорлари съездлар йилида қатор ишларни амалга оширдилар. Янги резервларнинг ишга солиниши ҳамда прогрессив иш методларининг қўлланилиши туфайли саккиз ойлик план 111 процент қилиб бажарилди. Бошқармаинг бу меҳнат ютуғига ишлаб чиқариш илғорлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан, Эльвира Шаль бошчилигидаги сувоқчилар бригадаси топшириқларни 100 процент знёдаси билан адо этяпти.

Керамика комбинатининг айрим участкаларига сайқал бериш ишларидан ташқари мазкур бригада бир ой ичида 535 квадрат метр уй-жойларни сифатли сувоқдан чиқарди. Айни пайтда илғор коллектив «Средазуголь» бирлашмасининг автобазаси маъмурий биносини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш ниятида тез суръат билан иш олиб бормоқда.

ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ АЪЛО СИФАТЛИ БЎЛСИН

Узбекистон водийларида ва воҳаларида республикадан ташқарида ҳам машҳур бўлган қовунларнинг 120 хил нави етиштирилмоқда. Улардан энг яхшилари 10 сентябрь куни Узбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўз ишини тамомлаган полизчилар анъанавий республика конкурсида намойиш этилди. Конкурсда республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан машҳур полизчилар, илғор бригадирлар, ихтисослаштирилган звено бошлиқлари, халқ селекциячилари, шунингдек Узбекистон сабзавот ва полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари иштирок этдилар.

Полизчилар конкурсга ғоят ширинлиги ва қанд моддаси кўллиги билан ажралиб турадиган ўз маҳсулоти намуналарини олиб келдилар. Улар орасида қовуннинг қадимий навларидан «Оқ-кўк», «Донёр» «Оқ тумшуқ», «Жўрақанд», «Сарибўрикалла» навларини, тарвузнинг «Тарвузи мулламир» ва халқ селекциячилари ҳамда республика олимлари қайта тиклаган бошқа навлари бор. Жами сўнгги беш йил давомида деҳқонларнинг куч-ғайрат сарфлаши натижасида қовунларнинг ўн етти хил нави қайта тикланди.

Конкурс қатнашчилари орасида қизиб кетган суҳбат вақтида қовун ва тарвузларнинг сифатини яхшилаш каби муҳим проблемага катта эътибор берилди. Полизчилар мўл ҳосил етиштириш тажрибасини ўртоқлашдилар. Улар далалардан иложи борича мўл, харидорлар талабини тўла қондирадиган маҳсулот олиш деҳқонларнинг бурчи эканлигини таъкидледилар.

Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Фарғона областлари, Дўстлик, Шовот, Меҳнатобод районлари, Узбекистон сабзавот ва полиз экинлари ҳамда картошкачилик илмий-тадқиқот институти конкурс ғолиблари бўлдилар. Уларга фахрий дипломлар топширилди. Халқ селекциячиси, Нишон районидаги «Пахтаобод» совхозининг бригадири Х. Усмонов, Жиззах районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз бригадири М. Аҳмедов, халқ селекциячиси, Каттақўрғон районидаги Қорадарё совхозининг бригадири И. Ҳалилов, Булунғур районидаги «Победа» совхозининг бригадири А. Ҳайдаров, Калинин районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг бригадири И. Раҳматуллаев биринчи даражали мукофотни олишга сазовор бўлдилар.

Ғолибларга тантанали вазиятда дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

10 сентябрь куни полизчилар ўз маҳсулотларини намойиш қилган халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов келиб кўрди. У конкурс қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлаб, республика қишлоқ меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни таърифлаб берди, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, жумладан полизчиликни ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштириш, полиз экинлари етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудов, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев энг яхши полизчилар етиштирган маҳсулот намуналари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитети — гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш бўйича 1981 йил учун белгиланган тадбирларни муддатидан илгари бажариш юзасидан районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг саккиз ойлик якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Оҳангарон районига (район партия комитетининг секретари **К. И. Икромов**, район ижроия комитети раиси **А. К. Қосимов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Т. Соҳибов**, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси **Р. Давронов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Бобохўжаев** ўртоқлар). Бу районда давлатга гўшт сотиш бўйича 33,4 процент, сут бўйича 5,4 процент, тухум бўйича 21,3 процент ўсиш таъминланган, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, қорамол ва паррандалар сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда энг юқори кўрсаткичга эришилган.

Байроқ Пискент районидан олиб берилади.

Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга (директори **А. Бакиров**, партия комитети секретари **А. Самариддинов**, касаба союз ташкилотининг раиси **Г. Ражабов**, комсомол ташкилотининг секретари **Б. Тагаев** ўртоқлар). Бу совхозда йиллик гўшт сотиш ҳажми 124,5 процент, жун 127,7 процент бажарилган ҳамда давлатга гўшт сотиш бўйича 25 процент, жун сотиш бўйича 57 процент, қўйлар бош сонини кўпайтиришда 7 процент ўсиш таъминланган.

Байроқ Калинин районидаги «Хасково» совхозидан олиб берилади.

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига (раиси **Хван Ман Гим**, партия ташкилотининг секретари **В. С. Пак**, касаба союз комитетининг раиси **Л. Г. Пак**, комсомол ташкилотининг секретари **В. Т. Ким** ўртоқлар).

Бу колхоз давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 130,7 процент, сутни 100,5 процент, тухумни 126,4 процент бажарган, гўшт сотиш суръати бўйича 13,4 процент, сут бўйича 2,1 процент, тухум бўйича 17,7 процент ўсишни таъминлаган, ҳамда қорамоллар сонини ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори натижага эришган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оҳангарон районига, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга ҳамда Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ПОЛИЗЧИЛАР ЗАФАРИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган Ўрта Чирчиқ райони полизчилари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар эл дастурхонига пландаги 900 тонна ўрнига 913 тонна полиз маҳсулотлари етказиб бериб, бу борадаги планларини муддатидан аввал адо этдилар.

Эришилган бу ғалабага «Ленин йўли», Куйбишев номли ҳамда ТИИИМСХ ўқув хўжалиги деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар.

Район полизчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб яна 100 тонна ширин-шакар қовун-тарвуз топширишга аҳд қилдилар.

У. ҲАМИДОВ.

ИШОНГАНИМИЗ— ТЕХНИКА

ҲАДЕМАЙ пахтазорларга «зангори кема»лар чиқади. Деҳқонлар терим агрегатларини суръат қаноти, деб бежиз аташмайди. Техникага таянган пахтакор, албатта, зафар маррасига илдам етиб келади, кўп кўч, меҳнат сарфлаб, етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олади.

Буни яхши тушунган хўжалигимиз аъзолари ҳам машина теримига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўраётирлар. Мавжуд 17 та пахта териш машинаси далаларга олиб чиқиш учун шай. 5 та кўрак терадиган, 5 та кўрак чувийдиган, 14 та пахта ташийдиган транспорт тракторлари ва 55 та тележка сифатли ремонт қилинган.

Машина терими арафасида колхозимизда барча агрегатларнинг кўриси ва механик-ҳайдовчилар ўртасида конкурс ўтказилди. Маҳорат синовида илғор механизатор Акбар Оқбоев ғолиб чиқди. Оқбоев ва унинг ҳамкасблари Хонназар Алимов, Аҳмад Назаров ва бошқа ўртоқлар мавсумда ўз «зангори кема»лари билан 180—200 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишди.

Долзарб паллада терим техникасининг бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмаслиги учун кўчма устахона, ташкил этдик. Устахонанинг икки слесари, пайвандчиси пахтазорнинг ўзида ремонт ишларини бажаради. Колхоз устахонасида механик бошчилигидаги икки слесарь, кеча-кундуз навбатчилик қилади. Улар машиналар учун эҳтиёт қисмларга эга.

Социалистик мусобақа — муваффақиятлар гаровидир. Колхоз правленеси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари механик-ҳайдовчилар, транспорт тракторчилари ўртасидаги меҳнат беллашуви шартларини тасдиқлашди. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясалади. Илғорлар кўчма вимпеллар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Бу йил колхозимизда 850 гектар майдондаги пахта ҳосили машиналарда терилади. Бу пайкаллар бошлари текисланиб, ўқариқлар тартибга келтириб қўйилди.

Ғўза дефолиациясини тугалладик. Механик-ҳайдовчиларимиз етиштирилган ҳосилнинг 85 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб олиш учун қизғин ҳозирлик кўряпти.

Т. ИБРОҲИМОВ,
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг бош инженери.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг пешқадам йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезднинг делегати Буолма Жўраева шогирд лари Бахтигул Тўхтабоева ва Холбуви Эралиева билан маҳорат хусусида суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

СЎНГГИ СОАТДА

● БЕЛГРАД

Загребдаги Раде Кончар номли завод 350 минг киловатт қувватли Югославияда биринчи турбогенераторни ишлаб чиқарди. Бу турбогенератор Босния ва Герцеговинада қурилаётган «Гацко» иссиқлик электростанцияси учун мўлжалланганди. Ҳозир корхона яна битта ана шундай агрегатни йиғишга киришмоқда. Бу агрегат Тузла яқинидаги «Углевик» иссиқлик электростанциясига ўрнатилади.

● ТЕҲРОН

Решт, Хой, Казвин ва Сари шаҳарларида Ислом революцион трибуналларининг ҳукми билан режимнинг яна 22 муҳолифи қатл этилган. Эрон матбуотининг хабар беришича, уларнинг ҳаммаси кўпорувчилик ишларида ҳамда маъмурларга қуролли қаршилик кўрсатишда айбланган.

● БЛЭКПУЛ

Буюк Британиянинг «умумий бозор»да қатнашаётганлиги Англия экономикасига жуда катта зарар келтирди. Британия Тред-юнионлар конгрессининг бу ерда ўтаётган 113 ҳар йилги съезди делегатлари ана шу ҳақда гапирдилар. Англиянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятида қатнашуви мамлакат ўз бошидан кечираётган жиддий иқтисодий қийинчиликларни янада кескинлаштиришга олиб келиши съездда таъкидлаб ўтилди.

● ТОКИО

Токиода «Ҳукуматнинг аграр сиёсати йўқолсин!» деган шиор остида деҳқонларнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Пойтахтга мамлакатнинг марказий районларидан келган намойиш қатнашчилари Япония қишлоқ хўжалиги бошдан кечираётган танглиқни бартараф этиш учун конкрет чоралар кўришни ва деҳқонларнинг аҳволини яхшилашни талаб қилдилар.

(ТАСС, 10 сентябрь).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ИЖРО НАЗОРАТДА БЎЛСИН

Киров районидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар партия ва ҳукуматимизнинг қарорлар ижросини назорат қилиш ва текшириш юзасидан кўрсатмаларини бажара бориб муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Яқинда район партия комитети бюросининг мажлисида республика озиқ-овқат саноати министрлигида бу масала қандай ҳал этилаётганлиги кўриб чиқилди.

Министрликда ҳар ҳафтада бўладиган кенгашларда қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар эшитиб борилмоқда, партия бюроси аъзоларидан бир киши қарорлар ижросини назорат қилиб турибди. Лекин министрлик партия ташкилоти фаолиятида қарорларни бажариш борасида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бюро мажлисида ана шу камчиликларни тугатиш юзасидан жиддий чоралар кўриш тавсия этилди.

Район партия комитетининг бюросида ун ва нон ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш «Ташхлебторг»да қандай йўлга қўйилганлиги ҳам кўриб чиқилди. Бу соҳада «Ташхлебторг» маъмурияти ва партия ташкилоти муайян ишларни амалга оширди. Лекин шаҳарда ҳали нон маҳсулотларни билан савдо қилувчи шохобчаларни ривожлантириш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Харидорларга кўрсатилаётган савдо хизмати маданиятини ҳам ошириш лозим.

Районда, шунингдек, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида қонунбузарликка қарши курашни кучайтириш ва жамоат тартибини сақлашни янада яхшилаш соҳасда район партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган актив йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Камолова доклад қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, район партия ташкилотлари қонунбузарликка қарши курашни кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бунда айниқса «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбексельмаш» заводи коллективларининг ҳиссаси катта бўляпти. Мазкур корхоналар халқ кўнгилли дружиначилари районда жамоат тартибини сақлашда ишончли таянчга айланиб қолганлар.

Докладчи ва музокаларда сўзга чиққан нотиқлар ютуқларни тилга олиш билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдилар.

БЮРО МУҲОКАМАСИДА

Цех партия ташкилотлари ва партия группаларида ҳисобот ва сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Коммунистлар бу йиғилишларда бир йил мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ўз олдиларида турган янги вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Ҳамза район партия комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари қандай бораётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бюрода таъкидланганидек, 1-уйсозлик комбинати, «Ташсельмаш» заводи, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси цех партия ташкилотлари ва партия группалари бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниясига пухта тайёргарлик кўрдилар. Йиғилишларда коммунистлар ташкилий-партиявий ишларни яхшилаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, идеологик ва сиёсий тарбиявий ишларни янги босқичга кўтариш юзасидан бир қанча фойдали таклифларни ўртага ташламоқдалар.

Лекин райондаги барча корхона ва муассасаларнинг партия ташкилотлари ҳам бу муҳим сиёсатга етарлича ҳозирлик билан келдилар, деб бўлмайди. Район партия комитети бюроси республика озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли тажриба-механика заводи, «Сантехоборудование» заводи, енгил металлар ва конструкциялар заводи цех партия ташкилотлари ва партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бирмунча суст ўтганлигини таъкидлаб, партия ташкилотларига бу соҳадаги камчиликларни бартараф этишни топширди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ НИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда «Қаҳрамон она» ордени топширилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

Оғабекова Роҳила — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси.

Оқбердиева Зайнаб — Ғалаба районидаги Киров номли совхоз ишчиси.

Оролова Тўлган — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Орипова Гулистон — уй бекаси, Паркент райони.

Бўриева Саломат — уй бекаси, Бўка райони.

Жустаева Кали — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Исмоилова Латифа — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Қолдарова Розия — Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

Каримова Зимрон — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Маҳмудова Тошбуви — уй бекаси, Калинин райони.

Раҳмонова Қутбуви — уй бекаси, Чиноз райони.

Рисқулова Кипия — уй бекаси, Ангрен шаҳри.

Тўқлибоева Майсара — уй бекаси, Чиноз райони.

Турдиқулова Шарофат — Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Тўқлиева Гулбиби — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз аъзоси.

Ҳакимжонова Салима — уй бекаси, Калинин райони.

Ҳайдарова Саида — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси.

Ҳунарова Мамлакат — уй бекаси, Оҳангарон райони.

Шойбекова Ибодат — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.

Шерматова Умриниса — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

Юсупова Манзила — уй бекаси, Калинин райони.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Ғопирова Муҳаббат — уй бекаси.

Исроилова Ойниса Сабоҳиджоновна — уй бекаси.

Усмонова Дилбар — ишчи.

Шамшиддинова Маҳбубахон — уй бекаси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 31 август.

ШОИРА Тошматова Тошкент тўқимачилик комбинатининг пешқадам йигирувчиси. У айни кунларда 1982 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариб, шахсий мусобақада ғолиблик қиляпти.

А. Тўраев фотоси.

ҲОСИЛ — БРИГАДАЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ОБЛАСТИМИЗ пахта далаларида «оқ олтин» йиғимтерими оммавий суръатда бошланишига саноқли кунлар қолди. Бу муҳим кампанияга барча касбдошларимиз қатори корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам пухта ҳозирлик кўриб қўйдилар. Завод ва тайёрлов пунктларини янги пахта ҳосили қабулига тахт қилиш ишлари тугалланганига анча бўлди. Бу соҳадаги барча тадбирлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1981 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилди.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида барча пахта ҳосили фақат бригада усули билан қабул қилинади. Шунинг учун ҳам завод ва тайёрлов пунктларидаги ҳар бир бунт маълум бригадага бириктирилди. Бу прогрессив усул ўзининг ҳаётийлигини тажрибада кўрсатди. Уни жорий қилиш бригада коллективи учун ҳам, пахта тозаловчилар учун ҳам бирдек фойдалидир. Энг муҳими хом ашё сифатининг юксак бўлишига алоҳида эътибор берилади. Чунки, янги тартиб бўйича пахта топширилганда «оқ олтин» ГОСТ талабларига мувофиқ бўлса, бригадага қўшимча ҳақ тўланади.

Корхонамиз ва тайёрлов пунктларидаги барча асбоб-ускуналар, машина-механизмлар ҳам сифатли ремонтдан чиқариб қўйилди. Ўнлаб транспортёрлар, прицеплар, вентилятор қурилмалари, тарозилар, лаборатория асбоб-анжомлари тахт қилинди. 22 та трактор «оқ олтин» ҳосилини ташишда ишлатилади. Бизнинг янги мавсумга тайёргарлик юзасидан кўрган ишимиз давлат комиссиясининг «яхши» баҳосига сазовор бўлди.

Бу йил қуритиш-тозалаш цехларининг ремонтига алоҳида эътибор бердик. Цехлар сифатли қайта тикланди. Зарур ёқилғи етарли миқдорда тайёрлаб қўйилди. «Ўзбекистон» ва «Интернационал» тайёрлов пунктларида янги қуритиш-тозалаш цехлари қурилиши ниҳоясига етказилянти. Брезент, қоп-қанор, этаклар ҳам етарли миқдорда ҳозирланди. Шунинг учун ҳам биз ҳар куни йиллик планнинг 8—10 процента миқдорида пахта қабул қилаоламиз.

Пахта тозаловчиларимиз ўтган йилги пахта ҳосилини қайта ишлаш борасида жонбозлик кўрсатдилар. Барча касбдаги ишчиларимиз бир ёқадан бош чиқариб, фидолиқлан тола миқдори 173 тоннани, момиқ эса 146 тоннани ташкил этди. Коллективимиз чигит тозалаш планини эса 8,4 процент ортиғи билан адо этди.

Корхонамиз коллективи бу йил Янгийўл шаҳар саноат корхоналари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада карвонбошилик қилмоқда. Шунинг учун ҳам заводимиз номи шаҳар Ҳурмат тахтасидан жой олиб турипти. Корхонамиз шуҳратини оширишга ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Коммунист А. Абдувалиев бошчилик қилаётган смена коллективи эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Прессловчи Ф. Хўжаев, узатувчи С. Тешабоев, момиқ ажратувчилардан К. Эшмуҳамедова, А. Давлатёрова, О. Пяткова, М. Абдуллаевалар, ускуналарни созловчи Ш. Қодиров сингари 50 га яқин илғор ишчиларимиз смена топшириқларини 130—180 процентдан бажаришяпти.

Коллективимиз ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам юксак меҳнат марраларини кўзлаган. Зиммамизга оширилган мажбурият олганмиз. Йил давомида пландагига қўшимча 3000 тонна тола, 35 тонна момиқ ишлаб чиқариб, қўшимча 800 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Фаолиятимизнинг бошқа технико-иқтисодий кўрсаткичларини ҳам анча оширишга аҳд қилганмиз.

Ишчиларимиз албатта ўз ваъдаларининг устидан чиқишади. Чунки, улар шунга одатланишган, сўз билан иш бирлигига эришганлар. Бунда илғорлар тажрибасини қўлланиш, социалистик мусобақани янада кенгайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам асқотади. Ҳозирги вақтда заводимиз цехларининг 290 ишчи-хизматчиси «Сафимизда қолоқлар бўлмайди!» шиори остида меҳнат қилмоқда. Бу давлат планларини бажаришда, ҳом ашёни буюртмачиларга ўз вақтида етказиб беришдек масъулиятли бурчимизнинг муваффақиятли уддасидан чиқишимизда ёрдам беради.

М. МУҲАМЕДОВ,
Янгийўл пахта тозалаш заводи бош инженери.

ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

корона меҳнат қилаётганликлари учун ҳам маҳсулот реализация қилиш ҳам давлат планлари ой сайин ортиғи билан адо этилмоқда. Съездлар йилининг ўтган етти ойида салкам 18 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Жумладан, 11,5 минг тоннадан кўпроқ тола, салкам 2 минг тонна момиқ ишлаб чиқарилди. Топшириқдагидан ташқари реализация қи-

Ҳадемай кенг пахтазорлар узра «зангори кемалар овози янграйди. Бу йил пискентлик суворийлар ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишга аҳд қилганлар. «Меҳнат байроғи» район газетаси механизаторлар маррасини кенг газетхонлар оммасига маълум қилиб бораяпти.

Газетанинг навбатдаги сонида Тельман номли колхоз механизатори Тўйчи Тожиев ва «Гулистон» колхози механизатори Иминжон Умаржоновнинг мақолалари эълон қилинди. Улар бу йилги мавсумда ўзаро мусобақалашиб ишлашга қарор қилишган. Тўйчи Тожиев

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ҚУДРАТЛИ КУЧ

«зангори кема» бункеридан 250 тонна «оқ олтин»ни тўкишга аҳд қилган. Бу ўтган йилдагидан 50 тонна кўп демакдир. Иминжон Умаржонов меҳнат қилаётган коллектив аъзолари эса ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олишга сўз беришган. Иминжоннинг ўзи машинада 200 тонна пахта термоқчи. Ҳар иккала механизатор ўз мақолаларида белгиланган юксак маррани муваффақиятли эгаллаш юзасидан кўраётган чора ва тадбирлари ҳақида ҳикоя қилганлар.

Умуман газета социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш юзасидан жойларда бажарилаётган ишларни кенг ёритиб келмоқда. «Социалистик мусобақа — қудратли куч» умумий сарлавҳаси остида ҳар ойда бир марта махсус саҳифа эълон қилинаяпти. Саҳифада пахтакорлар, қурувчилар, чорвадорлар мусобақа туфайли қўлга киритилаётган ютуқларни қизиқарли формаларда баён этмоқдалар.

Яқинда социалистик мусобақа саҳифасининг 8-сони эълон қилинди. Унда 78-ремонт қурилиш участкаси бригада бошлиғи У. Ҳамдамов, 104-механизациялашган кўчма колонна бригада бошлиғи О. Раҳматов ўртоқлар тажамкорлик режимини кучайтириш, қурилиш суръатини ошириш бўйича мусобақада тўпланган тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Мусобақа саҳифаларини бундан буён ҳам мунтазам чиқиб туришига эришиш керак.

Янги Тошкент консерва заводининг биринчи филиали ишчи-хизматчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини мунтазам знёдаси билан бажариб келмоқдалар. Айни пайтда корхонада турли консерва маҳсулотлари, мева шарбатлари тайёрлаш иши авж олдирилди. Суратда: илғор ишчилар М. Собурова ва Л. Лебедева.

В. Сироткин фотоси.

ЯНГИ АТСлар

Областимизнинг кўплаб колхоз ва совхозларида ишга туширилаётган янги АТСлар хўжаликларга район маркази билан алоқа қилиш, шунингдек хўжаликнинг ички телефон тармоқларини кенгайтириш имконини бермоқда. Яқинда Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида 100 абонентга мўлжалланган ана шундай АТСлардан бири ишга тушди. Район алоқачилари хўжаликнинг тажрибали мутахассислари билан ҳамкорликда станцияни қисқа вақт ичида созлаб бердилар.

Шунингдек, райондаги Ленин номли колхозда ҳам 50 номерли АТС фойдаланишга топширилди. «Қибрай» совхозидаги 100 номерли, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозидаги 100 абонентга мўлжалланган АТС қурилишлари ҳам жадал суръатлар билан ниҳоясига етказилмоқда. Мазкур станциялар ишга туширилиши билан хўжаликнинг айрим фермалари, дала шийпонлари ва бошқа бир қатор хизмат участкалари билан алоқа ўрнатиш имкони яратилади.

ЎРТА МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ КУРСЛАРИДА

ТАЖРИБА — МАЛАКА ОШИРИШДА

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездида совет кишиларининг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш — энг муҳим социал вазифалардан бири деб таъкидланди.

Партия ва ҳукуматимизнинг бу кўрсатмасига биноан барча медицина муассасаларида даволаш ишларини такомиллаштириш, медицина ходимларининг малакасини ошириш йўлида катта ишлар қилинмоқда.

Бу борада республика ўрта махсус медицина ходимларининг малакасини ошириш курсларида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Курсларда медицинанинг алликдан ортиқ турли соҳалари қамраб олинган. Терапия, кардиология, диагностика, хирургия, асаб касалликлари бўйича ҳамширалар малакасини ошириш учун ўтказилаётган машғулотлар яхши самаралар бермоқда.

Куролар 1957 йили И. Охунбобоев номли республика медицина билим юртининг бир бўлими сифатида ташкил этилган эди. Кейинчалик у мустақил билим даргоҳига айланди. Шу йиллар мобайнида бу ерда 12 мингдан ортиқ йигит-қиз малака оширди. Бугунги кунда улар республикамизнинг турли областларида меҳнат қилмоқдалар.

Медицина соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, янгиликлар машғулотларда қўлланиши ўз натижасини кўрсатмоқда. Бу борада ToшМИ клиникаси рентгенология кафедрасининг шифокорлари фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Чилонзор районидаги 10-стоматология поликлиникаси врачлари В. Ким, Л. Югай, Р. Мақсудовлар ҳам тиш касалликлари бўйича тажриба ва маҳоратларини ёшларга ўргатишда барчага намуна бўлмоқдалар.

Малака ошириш курсларида ўқиш учун барча шароитлар яратиб берилади. Улар ётоқхона, иссиқ овқат ва стипендия билан таъминланмоқдалар.

— Билим даргоҳимиз республикамиз областларида ташкил қилинган филиаллар учун координацион марказ ролини ўйнамоқда,— дейди катта методист Н. Абдуразоқова.— Уларга педагогшифокорларимиз ишлаб чиққан методик қўлланма ва дарсликлар билан ёрдам кўрсатяпмиз. Шунинг учун ҳам ўрта медицина ходимлари малакасини ошириш сифат ва соғ жиҳатдан ортиб бормоқда.

Ҳар йили қурс машғулотларидан 2,5 мингдан ортиқ йигит-қиз баҳраманд бўлмоқда. Билим масканининг яқинда қурилиб, фойдаланишга топшириладиган биносига кўчиб ўтилгач, бу рақам яна ортади. 1982 йилда малака оширувчилар сонини 5 минг кишига етказиш кўзда тутилмоқда. Уларга М. Ҳасанова, Р. Қорахўжаев, И. Тўлаганова, Н. Юсуфжонова каби педагоглар турли фанлар бўйича дарс берадилар.

Ўрта медицина ходимларига бўлган талабнинг ортиб бораётганлигини назарда тутган ҳолда билим даргоҳида тарбиячи ҳамширалар тайёрлайдиган бир йиллик курслар ташкил қилинган. Ҳар йили 120 битирувчига шу ихтисослик бўйича гувоҳномалар топширилмоқда. Г. Худерова, О. Ҳасанова, Б. Султонова каби жамоатчи қизлар барча фанлардан аъло баҳоларга ўзлаштирмоқдалар.

Талабалар ўртасида мунтазам равишда турли мавзуларда суҳбатлар, китобхонлар конференциялари, маданий-маиший тадбирлар ўтказилиб турилмоқда. Бу эса малакали соғлиқни сақлаш ходимлари тайёрлашда ўз самарасини бермоқда.

А. НОСИРОВА.

ТАРИХ ЯРАТУВЧИ

ЎТГАН ИЙЛИ пойтахтимиз Тошкентда ўтган туркологларнинг III Бутуниттифоқ конференцияси сўнгги 4—5 йил ичида институтимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган муҳим воқеалардан бири бўлди. Анжуманда Германия Демократик республикаси, Венгрия, Польша, Чехословакия, Швеция, АҚШ, Франция, Япония, Германия Федератив Республикаси каби ўнга яқин хорижий мамлакатлардан ҳамда Иттифоқимизнинг 47 шаҳридан етук турколог олимлар иштирок этди. Конференцияда тинглланган 500 га яқин маъруза ва ахборотлар тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларига бўлинган ҳолда ўтказилди. Иттифоқ ҳамда қардош республикалар Фанлар академияларининг 20 дан ортиқ академиклари, 50 дан кўпроқ мухбир аъзолари, 100 га яқин фан докторлари, профессорларнинг чуқур илмий-назарий докладлари билан иштирок этиши конференциянинг юксак илмий савияда ўтишини таъминлади.

Шу нарсани мамнуният билан айтиш жоизки, конференция тугаганига анча вақт бўлган эса-да, мамлакатимизнинг етук турколог олимлари томонидан анжуманнинг илмий-назарий ҳамда ташкилий савияси юқори даражада ўтганлиги хусусидаги миннатдорчилик ҳислари мамнуният туйғулари билан йўғрилган мактубларини олиб турибмиз. Бу мактубларнинг бир қисми «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларида ёритилмоқда.

Анжумандаги тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича доклад материаллари уч томга жамланган ҳолда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти томонидан мухтасар чоп этилмоқда.

Конференция асосан, улкан мамлакатимизда жойлашган туркий халқлар совет ҳокимияти даврида илм-фан ва маданият соҳасида, ўз адабиёти ва тили тарихини, этнографиясини, ижтимоий тарихини чуқур илмий йўсинда ўрганиш борасида нақадар катта ютуқларга эришганлигининг ёрқин намойишига ҳам айланди.

Кейинги пайтда институт олимлари томонидан яратилган икки томлик (60 табоқ ҳажмли) «Адабиёт назарияси» республикамизнинг адабий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Мазкур нашр Иттифоқимизда рус филологларидан сўнг иккинчи қутлуғ тажрибадир. Ўзбек олимларининг ушбу тадқиқоти Ўрта Осиё регионидаги қардош республикаларнинг филологлари ўртасида биринчи фундаментал нашр бўлди.

«Адабиёт назарияси»нинг юзага келишида минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек классик адабиёти, Шарқ классик адабиёти, халқимизнинг бой оғзаки ижоди ҳамда ўзбек совет адабиётининг юксак ғоявий-бадиий намуналари билан баробар рус классик адабиёти, жаҳон прогрессив адабиётининг нодир асарлари, бугунги Бутуниттифоқ адабий жараёнининг материаллари ҳам асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. «Адабиёт назарияси»га бой адабий материалнинг тортилиши миллий адабиётимиз материалининг салмоғини тасдиқлаш билан бирга икки томлик тадқиқот илмий-назарий савиясининг ҳамда тадқиқот маданиятининг юксаклигини ҳам таъминлади.

Шунингдек, беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг яратилишини илмий-адабий жамоатчиликнинг эмас, умуман республикамиз меҳнаткашлари катта қувонч билан кутиб олишди. Минг йиллик ўзбек адабиёти тарихини, адабий жараёнини акс эттириш ва энг муҳими, адабий-маданий меросимиз тарихини марксча-ленинча адабиётшуносликнинг илмий-назарий талаблари асосида юксак ёритиб бериши жиҳатидан ҳам тадқиқот мукаммал бир аҳамият касб этади.

Сўнгги босқич ўзбек адабиётшунослигининг ютуғи ҳисобланмиш мазкур нашрни тайёрлашда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти, Андижон Давлат педагогика институти, ЎзФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институти, республикамизнинг қатор олий ўқув юртлари ва илмий ташкилотларининг етакчи олимлари ҳам фаол иштирок этдилар.

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг ҳар бир жилдида ўзбек адабиёти камолотининг ҳар бир босқичи халқ ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий ривожланиш даврлари билан узвий боғлиқликда ёритилган. Мазкур омиллар ҳар бир жилддаги илмий-назарий масалаларнинг характерига ва унинг ўрганилиш тарихига асос бўлиб хизмат қилган. Жилдларнинг муқаддимасида ноёб кўлёзма манбалар — девон, тазкира ва баёзлар тўғрисида манбашунослик нуқтаи назаридан тарихий-назарий маълумотлар ҳам берилган. Бу нарса «Ўзбек адабиёти тарихи» илмий-тарихий савия-даражасининг чуқурлигини ҳам асослайди.

Профессор А. Ҳ. Ҳайитметов етакчилигидаги «Октябргача бўлган ўзбек адабиёти тарихи» бўлими ходимлари айни кунларда икки томлик «Тарих»нинг рус тилида Москвада чоп этилажак нашрини тайёрламоқда. Мазкур нашр институт коллективининг Бутуниттифоқ илмий-адабий жамоатчилиги олдидаги навбатдаги жиддий имтиҳонларидан бири бўлади. Маълумки, М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти олимлари билан ҳамкорликда яратилган бир жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» Бутуниттифоқ миқёсидан мамнуният билан қабул қилинган, муаллифлар коллективи эса (З. С. Кедрина, И. О. Султонов, Ҳ. И. Ёқубов, О. О. Шарафуддинов, А. Ҳ. Ҳайитметовлардан иборат) Беруний номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланган эди. Икки жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи» ҳам Бутуниттифоқ илмий-адабий тафаккур маданиятини бойитишга хизмат қила олади, дей ишонч билдириш мумкин.

Профессор Ҳ. И. Ёқубов етакчилигидаги «Ўзбек совет адабиёти» бўлими ходимлари томонидан тайёрланаётган икки томлик (60 табоқ ҳажмли) «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг рус тилидаги нашри ҳам Москвада чоп этиладики, бу нарса бизнинг Иттифоқ миқёсидаги ютуқларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Институтимиздаги янгиликлардан яна бири улкан адибларимизнинг, етук сўз санъаткорларининг академик нашрларига киришилганлигида ёрқин кўринади. Бу — Ўрта Осиё республикалари ўртасидаги биринчи бошлама, тажриба эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Академик-адиб Ойбекнинг 19 томлик (15 жилди босмадан чиқди) мукаммал асарларини тайёрлаш ва нашр этилиши институт олимларининг текстологик тадқиқот олиб боришдаги йирик муваффақияти бўлди. Академик нашр Ойбек ижодий мероси асосида адибнинг ижодий эволюциясини, эстетик ҳамда ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожини ҳам кузатиш имконини беради; Ойбек ижоди психологиясини ўрганиш имкониятини яратади. Айни кунларда институтимиз текстологлари Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг тўрт томлик, Ҳамид Олимжоннинг 10 томлик мукаммал асарларини тайёрлашдек қизғин ишга киришган эдилар. Ҳамза ижодининг 4 томи, Ҳ. Олимжон меросининг икки томи кенг ўқувчилар оммасининг маънавий мулкига айланганлигини қониқиш билан таъкидлаш лозим.

Шунингдек, халқимизнинг маънавий маданиятини бойитишга салмоқли улуш қўшган, бадиий-эстетик ҳамда фалсафий тафаккури камолини янги босқичга кўтарган улкан симоларимиз меросини барча гўзаллиги билан халқимизга етказиш матншуносларимизнинг галдаги муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шу билан баробар улуғ сўз санъаткорларимизнинг энциклопедиясини яратишдек қутлуғ ва эзгу ниятлар ҳам институтимиз коллективининг актуал вазифаларидандир. Жумладан, олимларимиз Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари оламгир адибларимиз энциклопедиясини яратиш режалари билан яшамоқдалар.

Гоят бой ва қадимги классик адабиётимизни янада кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг нодир ва бетимсол дурдоналарини халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилиш режалари ҳам тузиб чиқилмоқда. Классик адабий меросимиздан антологик планда чоп қилинадиган жилд-жилд асарлар ҳамда бу улкан меросни таҳлил қиладиган кўпгина ишлар мўлжалга олинганки, улар коллективимиз қутлуғ режаларининг ядросини ташкил этади.

АСОСИЙ РЕЗЕРВ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида юз бераётган буюк ўзгаришлар КПСС аграр сиёсатининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини намойиш этаётир. Партия кўрсатмаларига оғишмай амал қилаётган районимиз меҳнаткашлари юксалиш йўлидан дадил бормоқдалар. Айниқса, ўнинчи беш йиллиқда эришилган ютуқлар салмоқли бўлди. Барча соҳадаги топшириқлар ортиғи билан бажарилди.

Беш йил ичида давлатга пландагидан ташқари 114 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 1400 тонна мева, 2500 тонна узум, 503 тонна гўшт, 6000 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. Районимиз иқтисодий жиҳатдан янада юксалди. Капитал қурилишнинг кенг программаси амалга оширилди. Бир қатор ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой бинолари, мактаблар, маданий-маиший объектлар қуриб битказилди. Халқ фаровонлиги ўсди.

Коммунистик партия саксонинчи йилларда халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини илгари сурмоқда. Бу программа совет кишилари ҳаётининг ҳамма томонларини ўз ичига қамраб олади. Жумладан, КПСС XXVI съезди халқнинг тобора ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш мақсадида озиқ-овқат программаси ишлаб чиқишни лозим топди. Район партия комитети ушбу программа моҳиятини, умуман КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари моҳиятини меҳнаткашларга кенг тушунтириш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширмоқда.

Районда 1500 сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчи, «Билим» жамиятининг 800 аъзоси съезд қароларини омма ўртасида қайта-қайта тушунтирмоқда. Натижада ҳар бир меҳнаткаш ўн биринчи беш йилликда ўз хўжалиги ва район олдида турган вазифаларни ҳис этиб, сабзавот маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштириш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланишга интиляпти.

Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида социалистик мусобақани авж олдириб юборган районимиз меҳнаткашлари картошка етиштириш бўйича ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили планини муддатидан илгари 28 июнь куни ортиғи билан адо этдилар. Шаҳар аҳолисига 16 минг тонна картошка етказиб берилди. Айни кунларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш олиб бориляпти.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, картошка етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш соҳасида сабзаветчиликка ихтисослашган хўжаликлар олдига катта вазифалар қўйди. Жумладан, бизнинг районимиз хўжаликлари ҳам янги беш йиллик учун истиқболли программалар тузиб, ишни шу асосда ташкил этяптилар. Айниқса, район партия комитети ишлаб чиқариш резерваларидан янада унумли фойдаланишга, ҳосилдорликни тинмай ошириш ва етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга алоҳида аҳамият беряпти. Бунинг учун бошланғич ва цех партия ташкилотларининг масъулияти ошириляпти. Улар ўз активлари ёрдамида жойларда содир бўлаётган камчиликларни тезда бартараф этиб, мавжуд имкониятларни ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан юксалтиришга сафарбар этяптилар. Коммунистлар ҳар ишда авангард бўлмоқдалар.

Жойларда ишни намунали ташкил этиб, хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга намунали ҳисса қўшаётган Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари Аҳмаджон Умаров, Собир Раҳимов номли колхоз партия комитетининг секретари

ПАРТИЯ ХОДИМИ МИНБАРИ

Дилафрўза Каримжонова, Абдураҳмонов номли совхоз партия комитетининг секретари Адҳам Мирзаев, «Тошкент» совхози партия комитетининг секретари Мирислом Усмонов сингари ўртоқларнинг ташкилотчилиги ва ишбилармонлиги туфайли ишлаб чиқаришга илғор усуллар жорий этилиб экинлардан йил сайин мўл ҳосил етиштириляпти. Масалан, бу йил эрта баҳорда плёнка остига 260 гектар майдонга эртаги сабзаботлар экилди. Помидор, бодринг ва бошқа хил сабзаботлардан мўл ҳосил етиштирилиб, шаҳар аҳолисига етказиб берилди. Бу борада, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, «Ленин йўли» колхозларида ибратли ишлар қилиняпти. Эртаги сабзаботнинг ҳар квадрат метридан пландаги 12 килограмм ўрнига 20—22 килограммдан ҳосил олинди.

Район партия комитети экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун ҳосилдорликни оширишга алоҳида аҳамият беряпти. Масалан, шу йилнинг ўзида деҳқонларимиз ҳар гектар ердан 280 центнердан сабзавот, 150 центнердан картошка, 75 центнердан маккажўхори дони етиштириш учун астойдил меҳнат қилдилар. Бу борада Навоий номли колхоз биринчи бўлиб йиллик планни ошириб бажарди. Охунбобоев номли, Карл Маркс номли ва «Ленин йўли» колхозларининг деҳқонлари қувончли натижаларга эришмоқдалар. Бу хўжаликларда сабзавотнинг ҳар гектаридан 300—350 центнердан ҳосил олиняпти.

Хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари зиммага олинган юксак мажбуриятларини ошириб бажариш учун социалистик мусобақани тобора авж олдираяптилар. Идеология, сиёсий-тарбиявий ишлар янада жонлантирилмоқда.

Маълумки, чорвачилик озиқ-овқат программасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам партия XXVI съезди чорвачиликни қишлоқда зарбдор фронт, деб эълон қилди. Съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, район хўжаликларида чорвачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш тадбирлари белгиланяпти. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида 800 бош қорамолга мўлжалланган янги чорвачилик комплекси ишга туширилди. Охунбобоев номли колхозда эса чорва озуқаси тайёрлайдиган янги цех, юз минг паррандага мўлжалланган комплексининг иккинчи навбати қурилганлиги чорва маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш имкониятини беради.

Район чорвадорлари бу йил сигирларнинг ўртача маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказиш мажбуриятини олишган. Бўрдоқига боқилаётган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 465 килограммга етказилиб, гўштга топширилиляпти. Бунинг натижасида районнинг гўшт тайёрлаш йиллик плани биринчи кварталдаёқ ошириб бажарилди.

Бундан ташқари шахсий хўжаликларда ҳам чорвачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу соҳада Ҳасанбой ва Калинин қишлоқ Советлари, Келес шаҳар Совети амалга ошираётган ишлар мақтовга сазовордир. Ҳасанбой қишлоқ Совети область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олди.

Партиямизнинг озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасидаги топшириқларини муваффақиятли бажариш мақсадида район партия комитети район ижроия комитети билан биргаликда 1981—1985 ва 1990 йилларгача бўлган даврга ҳар бир киши ҳисобига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Масалан, 1980 йили ҳар бир кишига ўртача 31 килограммдан гўшт тўғри келган бўлса, 1985 йилга келиб 40 килограммдан ошади. Сут эса ҳозирги 180 килограмм ўрнига 190 килограммга етказилади. Ҳозир йилига киши бошига 93 та тухум истеъмол қилинаётган бўлса, 1985 йилда 105 тага етади. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини кўплаб етиштириш йўли билан аҳолини бу маҳсулотлар билан тўла таъминлашга эришилади.

Районимиз территорияси шаҳар билан чегарадош. Ҳар бир қарич ер ҳисобда. Шунинг учун биз маҳсулот етиштиришни фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириб боряпмиз. Мавжуд ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, нобудгарчиликка қарши кескин курашиш масалалари ҳам район партия комитетининг доимий диққат-эътиборидадир.

Ю. ТОЛИПОВ,
Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Янгийўл» совхози боғбонлари бу йил мевазорларда мўл ҳосил етиштиришди. Шу кунларда йиғим-терим ишлари қизғин олиб борилмоқда. Суратларда: (юқорида) совхознинг илғор теримчиси Ҳалима Эрматова. У кунига пландаги 160 килограмм ўрнига 500 килограммга етказиб узум узиб, мусобақада пешқадамлик қилмоқда. (Пастда) район Советининг депутати Надежда Гарелова. У ҳам кунлик топшириқларини 130—140 процент бажаришга эришмоқда.

И. Зайниддинов фотолари.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА— КИНОФИЛЬМЛАР

Пахта йиғим-терими мавсумида область кинолаштириш бошқармаси ходимлари пахтакорлар хизматида бўладилар. Пахтакорларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш учун кечки пайт турли мавзудаги қизиқарли кинофильмлар намойиш этилади. Терим мавсумида 70 дан зиёд киномеханик кўчма қурилмалар билан бирга хўжаликларга жўнаб кетади.

Бир қатор дала шийпонларида ҳамда айрим участкаларда ёзги кино кўрсатув майдончалари тайёрлаб қўйилди. Шунингдек, ўзбек тилида намойиш этиладиган бир қатор фильмлар репертуари тасдиқланди.

Областимизнинг турли шаҳар ва районларининг маданият муассасалари пахтакор хўжаликлар клуб ва дала шийпонларида 110 та кинокурилмаларини ўрнатиб, деҳқонларга маданий хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, музика ҳамда рақс ансамблари учун ҳам концерт программаси ишлаб чиқилди. Дала шийпонларига турли замонавий эстрада қўшиқлари ҳамда классик куйлар ёзилган пластинкалар коллекцияси келтириб қўйилади.

Чет эл Хабарлари

ГДАНСК СЪЕЗДИ НИМАНИ КЎЗЛАМОҚДА!

ВАРШАВА, 9 сентябрь. (ТАСС). «Бирдамлик» касаба союз бирлашмасининг Гданск съезди иши давомида унинг социализмга қарши моҳияти тобора равшан намоён бўлмоқда. Контрреволюцион гуруҳлардан вакил бўлиб келган делегатлар мажлисларнинг руҳини белгилаб турибдилар. Съездда социализм душманлари, чунончи Кос-Кор аъзолари бўлмиш Куронь, Михник, Литинскийлар, шунингдек уларнинг тарафдорлари ва бошқа ғайри социалистик гуруҳларнинг аъзолари зўр активлик билан ҳаракат қилаётганликлари эътиборни тортмоқда. Социализмга душман бўлган мана шу ташкилотларнинг вакиллари ҳатто съезднинг раҳбар органлари составига ҳам киритилмоқда. Съезд минбаридан Польшадаги социалистик тузумни тугатишга қилинган даъватлар эшитилмоқда. Бир қанча нутқларда ПБИП ва ПХР ҳукумати шаънига ҳақоратомуз гаплар айтилмоқда. Съезд қатнашчилари орасида советларга ошкора қарши руҳдаги материаллар кўп миқдорда тарқатилмоқда.

Докладларда ва нутқларда «Бирдамлик» касаба союз бирлашмаси ПХРнинг умумдавлат манфаатлари ва ҳукумат қарорларини инобатга олишни хоҳламаслиги намойишкорона таъкидлаб ўтилмоқда. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида хусусий секторни мустаҳкамлаш зарурлиги айтилмоқда. Польшадаги мажоролар гўё «бирдамлик»нинг айби билан вужудга келган эмас, балки ҳукумат органлари айби билан келиб чиққан, деб сафсатабозларча даъво қилинмоқда. Касаба союз бирлашмасининг позицияси «меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги қандайдир ғамхўрлик деб кўрсатилмоқда ва ҳоказо. Мана шу ва шу қабилдаги бошқа даъволар Польша меҳнаткаш халқининг манфаатларини ошкора таҳқирлашдан бошқа нарса эмас. Иш ташлашларнинг, ҳукумат иқтисодий программаларини бзрбод қилишнинг ташкилотчиси бўлган «Бирдамлик» касаба союз бирлашмасининг реакцион бўғинлари шу дамгача мамлакатга жуда катта моддий зиён етказган экан, касаба союз бирлашмасидаги экстремистлар унинг социализмга қарши бузғунчилик ҳаракатларини рад этаётган ишчиларга нисбатан дўқ-пўписа қилаётган экан, меҳнаткаш халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

«Бирдамлик» бирлашмасининг съездда сўзга чиқаётган корчалонлари ПХР конституциясига, Польшанинг халқаро алоқаларига ҳуруж қилмоқдалар. Нутқларда Польшанинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларига зарар етказиб, капиталистик давлатлар билан алоқани кучайтириш зарурлиги эълон қилинмоқда.

Касаба союз ишига доир масалалар съезднинг диққат марказидан ташқарида турибди. «Бирдамлик» бирлашмаси мазкур касаба союз бирлашмасининг фаолиятини касаба союз доирасидан чиқариб, уни оппозициячи сиёсий ташкилот тарзида қарор топтиришга интиляётганлиги равшан бўлиб қолмоқда.

Съездаги нутқларнинг характери, қабул қилинган ҳужжатлар «Бирдамлик» раҳбарларининг Польшадаги тангликни кучайтириш, уни янада чуқурлаштириш ниятида эканликларидан яққол далолат бериб турибди.

СОХТАКОРЛИК РАД ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 9 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам ахборот агентлиги — ВИА Америка пропагандасининг гўё Камбоджадаги Вьетнам ҳарбий қисмлари заҳарли моддалар ишлатмоқда, деган даъвосини рад қилди.

Бундай даъволар, деб уқтиради ВИА агентлиги, Вашингтоннинг ёвузлик билан тўқиб чиқарган сохтакорлигидир, ундан кузатилган мақсад Америка империализмининг даҳшатли жиноятларини ниқоблашдан иборат.

БАХТАР АГЕНТЛИГИНИНГ РАДДИЯСИ

КОБУЛ, 9 сентябрь. (ТАСС). Покистон ва Ғарбнинг оммавий пропаганда воситалари афғон қўшинлари бўлинмалари Белужистон вилоятида гўё Покистон территориясига бостириб кирганлиги тўғрисидаги асоссиз гапларни Бахтар агентлиги рад этди.

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати региондаги аҳволни нормаллаштириш ва қўшнилари билан муносабатларни яхшилашга қаратилган конструктив ва ижобий таклифлар киритиб, тинчликсеварлик сиёсатини амалда намойиш этаётган бир пайтда, дейилади Бахтар агентлигининг баёнотида, Покистон маъмурлари яна Америка империализмининг душманлик пропагандаси тазйиқига берилдилар. Покистон пропаганда машинасининг бундай сохтакорликлари янгилик эмас, дейилади баёнотда. Покистон маъмурлари афкор оммани чалғитиш учун илгари ҳам неча бор шундай сохтакорликлар қилгандилар.

Баёнотда шу ёлғон гапларга рад этилади ва Покистон раҳбарлари АДРнинг конструктив позициясини эътиборга олиб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш реалистик сиёсатига амал қиладилар ва Афғонистоннинг тинчлик таклифларини рад этмайдилар, Америка империализми ноғарасига ўйнамайдилар, деган умид билдирилади.



Суратда: Болгариядаги халқаро журналистлар уйининг Қора денгиз томонидан кўриниши.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУМАЙНИ БИЛАН УЧРАШУВИ

ТЕҲРОН, 9 сентябрь. (ТАСС). Эрон Бош министри Маҳдави-Кани ҳукумат барча аъзолари ҳамроҳлигида Эрон Ислом Республикасининг раҳбари оятилло Хумайни ҳузурига келди. Маҳдави-Кани раҳбарга министрлар кабинети аъзоларини таништириб, ўз ҳукуматининг программаси бомба портлаши чоғида ҳалок бўлган М. Баҳонар ҳукумати қабул қилган тарзда сақланади, деди. Ироқ билан қуролли можаро масаласини ҳал этиш, мамлакат ички ҳавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий проблемаларни бартараф этиш программанинг ҳамон асосий вазифалари бўлиб қолаверади.

Бош министр мамлакат ва халқ хавфсизлигини таъминлаш масаласининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, жамоат тартибини сақлаш учун масъул ҳамма кишиларнинг куч-ғайратини мувофиқлаштириш зарурлигига Хумайнининг эътиборини жалб қилди. Маҳдави-Кани Қўшма Штатлар ҳамон Эроннинг асосий душманидир, деб таъкидлади.

Хумайни жавоб сўзида Ғарб оммавий ахборот воситаларининг Эронга душманлик пропагандасига тўхталиб, Эрон давлати барқарорликдан чиқди ва унга таҳдид қилаётган жиддий хавф-хатар бор деган овозларни рад этди. У террорчилик ҳаракатлари мамлакатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини барбод этолмади, деди.

Хумайни Эрон халқи империалистик кучларнинг душманлик ҳаракатларига қарамай, яхши келажак учун курашни давом эттиришга маҳкам бел боғлаганлигини таъкидлади.

УРОҚ ВА БОЛГА ҲАМКОРЛИГИ

ЕЛКАДОШЛАР

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективи қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича биринчи ярим йилликдаги социалистик мусобақада юқори кўрсаткичга эришиб, область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди.

...КУЗДА БАҲОР қуёши илиқ нур таратиб, деҳқонларнинг тинчлиги бузилган дамлар эди. Ерга чиқиб қадаш бошланди. Ҳосил уруғини қисқа муддатларда сифатли қилиб экиш — кузда баракали хирмон кўтаришнинг ибтидоси. Экиш мавсумини тез ва соз ўтказишнинг эса ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта сафарбарлик кучи, катта техникавий таянч керак. Бекобод районидаги «Авангард» совхози коллективи худди мана шу соҳада — техникавий таянчни мустаҳкамлашда оталиқ ташкилотга мўрожаат қилди. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводидан ўша куниёқ мадад кучлари — 2 та кўчма автоустахона тажрибали ремонтчилар билан бирга етиб келди.

Автоустахоналар ва усталар совхозда бир ой мобайнида совхоз ишчилари билан елкама-елка туриб меҳнат қилишди. Далада иш жараёнида бузилиб қолган трактор, машина ва бошқа механизмларни ўша жойнинг ўзида созлаб, сафга тургазишда автоустахоналар хизмати жуда асқотди. Совхоз маъмурияти усталарга ва завод маъмуриятига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Ҳозир ҳам совхоз еридан завод ишчиларининг қадами узилгани йўқ — улар замонавий типдаги дала шийпона қуриб бериш тараддудида. Қурилиш баҳоси 6 минг сўмлик бўлган бу шийпон йиғим-терим мавсумигача фойдаланишга топширилди.

— Энди эса оталиқ ёрдамининг энг муҳими бошланади,— дейди завод директорининг ўринбосари Э. Бердиқулов,— пахта теримида актив иштирок этиш. Етиштирилган «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмасдан қисқа муддатларда йиғиштириб олишда бизнинг ёрдамимиз ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳашарчилар ва техника билан ёрдам борамиз. Шундай қилиб, экиш-тикиш бошланган баҳордан бошлаб кеч кузгача қишлоқ меҳнаткашлари билан ҳамнафасмиз...

Бу — завод коллективи қишлоққа кўрсатаётган оталиқ ёрдамидан бир мисол, холос.

Завод ишчи ва хизматчилари Бекобод районидаги қатор колхоз ва совхозларга машина-механизмларни ремонт қилиб беришдан тортиб қурилиш материаллари етказиб беришгача, ҳашарчилар билан ҳосилни йиғиб олгунгача ана шундай мадад беришмоқда. Бу мададнинг кўлами кенг.

Ўтган йили оталиқ ёрдами бўйича 200 минг сўмлик иш бажарилди. Жумладан, Навоий номли колхоз ва «Авангард» совхозида йирик чўчқачилик комплекслари қуриб берилди.

Бу йил оталиқ ёрдами ҳажмини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Биринчи ярим йилликдаги иш якунлари зиммадаги мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишидан далолат бериб турибди.

Ҳозирги кунларда «Победа» колхозида 200 қорамолга мўлжалланган молхона қурилиши жадал давом эттирилиб, ишчи-деҳқон дўстлигини амалда намойиш этмоқда. Энг муҳими, бу ёрдам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиляпти.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ТАДҚИҚОТЛАР

Фольклор — халқ даҳосининг туганмас булоғидир. Маълумки, ўзбек халқи жаҳондаги энг қадимги ва бой оғзаки ижодий эга бўлган тўкин маданиятлилардан ҳисобланади. Қисқагина давр ичида институтимиз фольклоршуносларининг самарали меҳнати сифатида 45 томга мўлжалланган «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» намуналарининг 20 дан ортиқ томи нашр этилди. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» ва бошқа достон ва термаларни ўз ичига олган беш томлик «Булбул таронаси», уч томлик «Песни Бульбули» (рус тилида) асарларининг юзага келиши ҳам фольклор бўлими ходимларининг самарали меҳнати натижасидир. «Ўзбек халқ мақоллари»нинг мукаммаллаштирилган нашри ҳам қувончли ҳодиса бўлди.

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган достон ва термаларнинг 10 томлигини, «Гўрўғли» туркуми достонларининг 20 томлигини, халқ мақолларининг 2 томлигини тайёрлаш ва нашр этиш фольклоршуносларимизнинг етакчи вазифаларидандир.

Сўнгги йилларда институтимиз тилшуносларининг тадқиқотлари ҳам нуфузлидир. Шу ўринда таниқли тилшунос З. Маъруфов етакчилигидаги луғатшуносларимиз фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (250 тафоқ ҳажмда), Москвадаги «Русский язык» нашриётида чоп этилди. У, шаксиз, республикамиз маданий ҳаётида катта ҳодиса саналади. Шунингдек, луғатшуносларимиз 300 тафоқ ҳажмли «Русча-ўзбекча» ҳамда «Ўзбекча-русча» луғатларни тугаллаш арафасида турибдилар. Мазкур «Луғат»лар аввалги нашрлардан фақат ҳажми билангина эмас, балки ҳозирги давр ўзбек тили лексикасини анча тўлиқ акс эттириши билан ҳам фарқланади. Хусусан, ҳар бир сўзнинг маъноси ва маъно оттенкалари конкрет мисоллар билан очиб берилади, ўзбек тилига хос айрим предмет ва тушунчаларга кенг изоҳ берилади.

Профессор А. П. Ҳожиев етакчилигида чоп этилган 2 томлик «Ўзбек тили грамматикаси» (3-томи яқинда нашрга топширилди), Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ш. Шоабдурраҳмонов бошлиқ шевашуносларимиз томонидан яратилган «Ўзбек диалектологиясининг атласи» каби мукаммал тадқиқотлар ҳам диққатга моликдир. Улар тилшуносларимизнинг кейинги пайтдаги ялпи ишлаш-изланишларининг қутлуг самараси сифатида характерли.

«Ўзбек тилининг тарихий», «Навоий асарлари луғати», «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати», «Орфографик ёмло луғати» каби нашрлар ҳам институт тилшуносларининг кейинги 4—5 йил ичида нечоғлик катта юқуқларни қўлга киритганлигидан далолат беради.

Республикамизда рус тили ва адабиётини ўрганиш масалаларига катта ғамхўрлик билан қараб келинмоқда. 1977 йили институтда махсус рус тили бўлимининг ташкил этилиши ана шундай ғамхўрликнинг навбатдаги намуналаридан бири бўлди. Бўлим мутахассислари шу қисқагина муддатда институтдан ташқаридаги етакчи рус тили мутахассисларини ҳам фаол жалб қилган ҳолда йирик коллектив монографияни яратишга муваффақ бўлдилар. Республикамизда рус тилини ўрганиш масалаларига бағишланган бу тадқиқот Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида келгуси йили чоп этилади. Бўлим мутахассислари ҳозир ривожланган социализм шароитида республикамизда рус тилининг тараққий этиш масалаларини талқиқ этишга доир катта режалар билан яшамоқда.

Совет тузумининг энг буюк оламшумул қудрати унинг интернационал ғояларга содиқлигида намоён бўлди. Совет халқи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий жабҳалардаги жаъмики ютуқ ва муваффақиятларни мамлакатимиздаги халқлар дўстлигининг моҳиятдаги бирлиги туфайли қўлга киритди. Тил ва адабиёт институти коллективи ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, институт тадқиқотларининг натижалари ва муваффақиятларида мамлакатимиз халқларининг дўстлиги, рус олимлари ва бошқа қардош халқлар мутахассисларининг яқиндан берган ёрдамлари ўзининг ёркин ифодасини топади.

Шу маънода «Ўзбекистондаги рус адабиёти» бўлими фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Бўлимда кейинги 4—5 йил ичида 5 фан доктори ва 15 фан кандидатини тайёрлаб етиштирилишини, «Ўзбекистондаги рус адабиёти тарихи очерклари», «Ўрта Осиё — рус совет ёзувчилари ижодида» сингари фундаментал монографияларнинг яратилишини айтиб ўтиш кифоя.

Шуниси эътиборлики, сўнгги 4—5 йил ичида Тошкентда ўтказилган бир қатор Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги конференциялар, илмий сессиялар институтимиз ташаббуси ва фаол иштироки билан ўтказилди.

Хусусан, Совет Шарқи республикаларида социалистик реализм методининг шаклланиши ва тараққиёти, миллий республикаларда рус тилини ўрганиш ва уни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциялари ҳақида худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу конференцияларни ташкил этишда ҳамда уни уюшқоқлик билан ўтказишда СССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт бўлими, Горький номидаги жаҳон адабиёти институти, СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти фаоллик кўрсатди. Конференция ишида СССР Фанлар академиясининг ҳамда деярли барча қардош республикалар Фанлар академияларининг етакчи олимлари иштирок этдилар.

Институтда Алишер Навоий, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. С. Пушкин ижодини ўрганиш масалаларига бағишланган анъанавий конференциялар ҳар йили ўтказиб турилади. Бу кенгашларда республикамиз олий ўқув юртларидаги етакчи мутахассислар, академиянинг турдош илмий муассасаларидаги олимлар фаол иштирок этмоқдалар.

Институт кейинги йилларда Лев Толстой, Некрасов, Чернишевский, Садриддин Айний, Мунис, Ҳамид Олимжон, Ойбек ижодига бағишланган бир туркум илмий конференциялар ташкил этди. Конференция материаллари мазкур санъаткорлар ижодининг Ўзбекистонда кенг миқёсда ўрганиш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Лев Толстой ижодига доир конференция материаллари эса алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Агар юқоридаги маълумотлар ёнига институтимизнинг Иззат Султон, Пиримқул Қодиров, Абдуқодир Ҳайитметов, Аҳмаджон Маҳмудов, С. Отамирзаева, Т. Мирзаев сингари етакчи олимларининг Ҳиндистон, Чехословакия, ГДР, Афғонистон, Венгрия сингари мамлакатлардаги халқаро илмий симпозиумларда иштирок этишини назарда тутсак, мутахассисларимиз халқаро, Бутуниттифоқ ҳамда республика миқёсидаги симпозиумлар, конференциялар ва кенгашлар ишида нечоғли фаол қатнашаётганликлари яна бир карра ойдинлашади.

Институтимизда тилшунослик ва адабиётшуносликка оид 2 проблема совети республика миқёсидаги филологик тадқиқотларни координация қилиб туради. Шунингдек, институтимизда ишлаб турган 2 та докторлик ҳамда 2 та кандидатлик советларида ўзбек филологиясининг актуал масалаларини тадқиқ этишга бағишланган диссертациялар ҳимояси ўтказилади. Бу — институтимизда республика олий ўқув юртлари ҳамда илмий муассасаларини учун кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилишидан далолатдир. Кейинги йилларда республика олий ўқув юртлари муаллимларидан 20 дан ортиқ киши фан доктори, 100 дан ортиқ киши фан кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Институтда 30 га яқин миллатга мансуб аҳил коллектив меҳнат қилмоқда. Бу — ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёркин белгисидир.

Институт олимларининг режалари катта. Коллектив ўзбек маданияти тарихини яратувчи ўз тадқиқотларини Иттифоқ миқёсида кўрсатиш, халққа манзур эта олиш ва шу йўналишда марказий нашриётларда ўз тадқиқотларини янада кўпроқ эълон қилиш, ҳозирги умумиттифоқ адабиёт илмига, адабий-бадиий, эстетик тафаккур тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ,
ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ЎзФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори.

ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВЛАР АРАФАСИДА

Яна бир неча кундан сўнг Тожикистонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бошланади. Қардош ва жондош тожик халқи ўзбекистонлик бир гуруҳ адабиёт ва санъат намояндаларини қучоқ очиб қарши олади. Тожикистоннинг шаҳар ва қишлоқлари узра дўстлик ва қардошлик тароналари янграйди, ижодий суҳбат ва учрашувлар бўлиб ўтади.

Бу улкан маданият байрамига республикамизнинг бир қатор ижодий ташкилотлари, профессионал ва ҳаваскорлик коллективлари қизғин тараддуд кўрдилар. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари РАҲИМА НАЗАРОВНА НАЗАРОВА билан учрашиб, ана шу тайёргарлик хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов шу йил май ойида В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантаналн кечада сўзлаган нутқида «Мамлакатимизда иттифоқдош республикаларнинг адабиёт ва санъат ўн кунликлари, ҳафталиклари, кунларини, кинофестивалларг, рассомлик асарлари виставкалари, қўшма илмий сессиялар, конференция ва симпозиумларини, санъат арбобларининг гастроль сафарларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Алоқа ва ҳамкорликнинг мана шу хилмахил шакллари маънавий турмушимизга файз киритади, кўп миллатли совет маданияти хазинасидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради» деган эди.

Чиндан ҳам республикамизда бир неча ой муқаддам катта муваффақият билан ўтган тожик адабиёти ва санъати кунлари маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Дўстларимиз театр ва концерт залларида, маданият саройларида бир неча кун мобайнида ўзларининг маҳоратларини намойиш қилдилар, ижодий суҳбат ва учрашувлардан ҳар биримизнинг хотирамизда унутилмас таассуротлар қолди.

Энди навбат бизга. Бир неча кундан сўнг Тожикистонда бошланадиган ўзбек адабиёти ва санъати кунларига қизғин тайёргарлик кўрдик. Республикамизнинг барча профессионал ва ҳаваскорлик коллективларидан сараланган энг истеъдодли санъаткорлар А. Навоий театри биносида, «Баҳор» ва Я. М. Свердлов номли концерт залларида репетиция олиб бордилар. Бу тайёргарлик давомида ҳар бир коллективнинг адабиёт ва санъат байрамига атаган концерт программалари, спектакллардан парчалар кўздан кечирилди. Қардош тожик халқи ҳузурида намойиш қилиш учун санъатимизнинг кейинги йиллардаги ютуқлари мужассамлашган турли жанрдаги асарлардан намуналар, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва социалистик Ватанимизни мадҳ этувчи, бахтиёр ва фаровон ҳаётимизни, совет халқлари ўртасидаги умри боқий дўстликни тараннум этувчи қўшиқ ва рақслар танлаб олинди.

Адабиёт ва санъат кунларида республикамизнинг барча таниқли санъаткорлари ва етакчи бадиий коллективлари иштирок этишади. Улар орасида А. Навоий номли академик театрнинг

ТОЖИКИСТОНДА ЎТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

симфоник оркестри ва СССР халқ артистлари Д. Абдурраҳмонова, Г. Измайлова, В. Гринченко, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. Сафаровлар етакчилигидаги Л. Зокирова, Т. Баранова, А. Бозоров, ёш ижрочилардан И. Жалилов, Қ. Муҳиддинов, Т. Жукова каби опера солистлари, СССР халқ артисти Б. Қориева бошчилигидаги З. Давлатмуродова, Ф. Саъдуллаева, В. Клочко, А. Геворгян, Г. Ҳамроева, Ҳ. Бозоров сингари балет санъати усталари бор. Шунингдек, М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли (бадиий раҳбар Қ. Мирқаримова), Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (бадиий раҳбар Қ. Мўминов) ва хор капелласи (бадиий раҳбар А. Ҳамидов), республика телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг хор коллективи (бадиий раҳбар Б. Умиджонов) ва дуторчи қизлар ансамбли (бадиий раҳбар Ғ. Тошматов), Тўхтасин Жалилов номли Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри (бадиий раҳбар Ф. Содиқов) каби коллективлар ўз маҳоратларини кўрсатадилар. Ўзбек эстрада санъати ютуқларини эса яқиндагина ўтказилган социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг энг яхши қўшиқлари ижроси учун иккинчи Бутуниттифоқ конкурси лауреати «Садо» вокал-чолғу ансамбли намойиш қилади.

Ўзбек театр санъати намоёндалари ҳам қардош тожикистонлик санъат мухлислари ҳузурига ўзларининг энг яхши саҳна асарларини олиб бормоқдалар. Қардошларимиз театрларида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», Ўткир Рашиднинг «Қудалар», Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир», «Мени айтди деманг», Максим Каримнинг «Инсонликка номзод», Ҳайдар Муҳаммаднинг «Тошкентнинг нозанин маликаси» ва ёш драматург Шароф Бошбековнинг «Тақдир эшиги» каби спектакллари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Республикамиз санъати шаклан миллий, мазмунан социалистик хусусияти билан совет маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Кўп йилларидан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Айқулаш» номли қорақалпоқ, «Каягим» номли корейс, «Ҳайтарма» номли татар, республика телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг уйғур ансамбллари дилбар қўшиқ ва рақслари билан аллақачон санъатсевар халқимизнинг эътиборини қозонган. Бу коллективлар ҳам қардош тожикистонлик санъат мухлисларига ўзларининг энг яхши программаларини кўрсатадилар.

Адабиёт ва санъат кунларида республикамизнинг ёш талантлари ҳам актив иштирок этишади. Хусусан, В. А. Успенский номидаги музика мактаб-интернатининг талабалари, В. И. Ленин номидаги республика мактаб ўқувчилари ва пионерлар саройининг «Бойчечак» болалар хори, «Ғунча» вокал-чолғу ансамбли, ўзбек хореография билим юрти ўқувчилари адабиёт ва санъат кунларининг очилиши ҳамда ёпилиши тантаналарида томошабинларга ўзларининг қўшиқ ва рақслар гулдастасини тақдим этадилар.

Ўзбек ва тожик халқларининг санъати қадим замонлардан буён бир-бирига сингиб кетган. Бу — халқларимизнинг севимли хонанда ва созандалари репертуарларида ҳам ўз аксини топиб келмоқда. Айни кунларда қўшиқ шинавандаларининг меҳр-муҳаббатини қозониб келаётган Тамара Дошумова, Ҳайрулла Лутфуллаев, Ғуломжон Еқубов, Муҳаббат Шамаева, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов, Муножот Йўлчиева, Лариса Кандалова, Гавҳар Тожибоева каби севимли хонандаларимиз ўзларининг классик ва замонавий қўшиқлари билан тожикистонлик санъат мухлисларининг меҳмони бўладилар.

Интернационал дўстлик ва қардошлик тантаналарига айланадиган адабиёт ва санъат кунларимиз тожик ва ўзбек халқларининг қадимдан қардош-жондошлик туйғуларини тараннум этиб, ҳозирги кунда миллий ва мазмунан социалистик маданиятимизнинг янада равнақ топишида, совет халқларининг тинч-тотув ва мустаҳкам онлада яшашларида, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати белгилаб берган улуғвор вазифаларни амалга оширишда, халқларимизни бундан кейин ҳам бунёдкорлик фаолиятига руҳлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗ МАКТАБИДА



Гарчи областимиз денгиздан мингларча километр узоқликда жойлашган бўлса ҳам, ўн бир йилдирки бу ерда ДОСААФ Тошкент денгиз мактаби ишлаб турипти. Бу вақт мобайнида мактаб ёшларида денгизчилик касбига муҳаббат уйғота олди, кўплаб малакали мутахассислар тайёрлади.

Тошкент ДОСААФ мактабида бўлажак денгизчиларни тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Мактабнинг дастлабки қалдирғочлари эса денгизчилик касбини эгаллаб келаётирлар. Суратларда: курсантлар ҳаётидан лавҳалар.

Ф. Қурбонбоев фотолари. (ЎзТАГ).

АВТОМОБИЛГА 100 ЙИЛ

Бизнинг мамлакатимизда дастлабки автомобиль пайдо бўлганига яқинда бир аср бўлади. А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида ана шу санага бағишланган китоб кўргазмаси ташкил қилинди. У «Автомобилга 100 йил» деб номланган бўлиб, 100 дан ортиқ китоб ва турли иллюстрация материаллари қўйилган. Кўргазмадаги китоблардан мамлакатимиз автомобилсозлиги тарихи, шу кеча-кундузги аҳволи ва автоспорт ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин.

Ш. МАДАЛИЕВА.

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Шу кунларда пойтахтдаги Аҳмад Дониш кўчасида қад кўтарган тўққиз қаватли турар-жой биносининг биринчи ва иккинчи қаватларида янги савдо шоҳобчасини очиш ишлари жадал суръатлар билан якунланмоқда. Бу ерда ташкил этиладиган Ўрта Осиёда ягона, мамлакатда иккинчи ихтисослашган магазинни жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти.

«Деҳли» деб ном оладиган янги савдо шоҳобчаси республикамиз пойтахти меҳнаткашлари ва меҳмонлари учун совға бўлади. Шунисн диққатга сазоворки, бу ерда дўст Ҳиндистон мамлакати маҳсулотлари билан савдо қилиш йўлга қўйилади. Янги магазин Тошкентда савдо структурасини такомиллаштириш планига кўра ташкил этилаётган йирик корхоналардан бири бўлиб қолади.

— Яқинда мен «Деҳли» магазини очилиши муносабати билан Москвага, СССР Савдо министрлигига бориб келдим, — деб ҳикоя қилади «Таштекстильшвейторг» директори Хабибулла Шарипов. —У ерда «Главкультбитторг» бошлиғи ўртоқ Н. Г. Копенко ва бошқа мутахассислар билан суҳбатлашдик, уларнинг қимматли маслаҳатларини олдик. Мамлакат пойтахтида бундай ихтисослашган магазинларни ташкил этиш борасида яхши тажриба тўпланган. Москвадаги кўпгина қардош социалистик мамлакатларнинг маҳсулотлари билан савдо қилувчи ихтисослашган магазинлар харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. СССРда биринчи ҳисобланган «Ганг» магазини ҳам шулар жумласидандир. Шаҳримизда очилаётган магазинни ана шу савдо марказининг укаси деб атасак ҳато қилмаган бўламиз.

900 квадрат метр майдонни эгаллаган магазиннинг биринчи қаватида республикамиз енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам савдога чиқарилади. Ҳиндистон маҳсулотлари билан эса иккинчи қаватда савдо қилинади. Йил охиригача бу ерда 15 миллион сўмликка яқин дўст мамлакат маҳсулотлари сотилади. Ҳозирча ана шу маҳсулотлардан 3 миллион сўмлиги келтирилиб, сараланмоқда. Бу маҳсулотлар орасида ўйма ёғоч буюмларидан тортиб аёлларнинг тақинчоқлари-ю, кўн-галантерея, чарм буюмларигача учратиш мумкин.

Ўрни келганда пойтахтимизда ташкил этилаётган ихтисослашган савдо шоҳобчалари катта иқтисодий самара келтираётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Бу тадбирлар транспорт ҳаракатларини тежаш, магазинларни товарлар билан таъминлашдаги параллелчиликка чек қўйиш имконини бермоқда. Шунингдек, ихтисослашган савдо марказлари харидорлар эҳтиёжларини ўрганишда ҳам яхши натижалар беряпти.

«Деҳли» магазинида ҳозир 159-қурилиш трестининг 9-қурилиш бошқармаси бинокорлари энг сўнгги пардозлаш ишларини тугаллаб бўлдилар. Магазин пештоқига ва савдо залларига уч хил тилда — ўзбек, рус ва ҳинд тилларида рангли реклама восталари ўрнатиляпти. Савдо бўлимлари учун жой ажратилиб, пештахталар қўйилмоқда.

— Янги савдо корхонаси, — деб давом этди Х. Шарипов, — чет мамлакатлар билан бевосита савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш соҳасида қўйилаётган дастлабки қадамлардан биридир. Бу соҳада ҳали кўпгина ишлар амалга оширилиши лозим.

Ихтисослашган магазин товар оборотн йилдан-йилга ўсиб боришини ҳам алоқида қайд этиш лозим. Келаси йилда 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотиш тўғрисида Ҳиндистон билан шартнома тузиш кўзда тутиляпти.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

ЮРИЙ ЭЛЬВОРТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«ҚУШЛАР ЦИРКИ»

ВАЛЕРИЙ ЧУГУНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«АНТИҚА ХОККЕЙ»

ўргатилган айиқлар аттракциони

Икки бўлимдан иборат ҳар хил программалар намойиш қилинади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

11 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ОЛОМОУЦ ШАҲРИДАГИ

ЯНГИ «ЛУНА ПАРК» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Боғда «Автодром», «Қўнғироқли йўл», «Учадиган тарелкалар», «Занжирли арғимчоқ», «Тасодифлар ғори», «Автописта», «Лохнес», «Болалар поезди», «Табоган» аттракционлари ҳамда ютуқли аттракционлар ишлайди.

ИШ ВАҚТЛИ: соат 15.00 дан 22.00 гача; шанба кунлари соат 12.00 дан 22.00 гача; якшанба кунлари соат 10.00 дан 22.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ «ЛУНА ПАРК» АТТРАКЦИОНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ ЖОНКУЯРЛАРИ

ЧИН ИХЛОС

Бу ўрта бўйли, қорачадан келган йигитчани «Ўзбекистон» колхозидагина эмас, балки Коммунистик районида ҳам кўпчилик ҳурмат қилади. Эркин Дўсинбоев колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди-ю, жуда кўплаб одамларнинг орзуси рўёбга чиқди. У колхоз маданият уйининг директори Юрий Владимирович Кан билан ҳамкорликда анчагина тадбирларни амалга оширди. Илгари маданият уйида фақат катталар учун вокал чолғу ансамблигина мавжуд бўлса, эндиликда «Мактабдошлар», ашула ва рақс ансамбли, «Еш мўйқаламчилар», «Спорт — ҳамма учун» клублари ишлаб турибди. Бу ерда яқиндагина шахмат-шашка, тикувчилик, тўгараклари, эркин курош бўйича спорт секцияси кўплаб ёшларни бағрига олди.

Колхозда кейинги ярим йил ичида китобхонлар сони ҳам кўпайди.

Бундай учрашувлар колхозчиларда катта завқ-шавқ уйғотмоқда. Уларнинг меҳнат активлигини ва ташаббускорлигини орттирмоқда. Яқинда колхоз механизаторларидан бир группаси халқаро темада лекциялар уюштириш тўғрисида Эркин Дўсинбоевдан илтимос қилиб қолишди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, кўчаларнинг кўринарли жойларида москвалик мутахассислар халқаро мавзудаги лекция ўқиши тўғрисида афишалар пайдо бўлди.

Ана шундай серфайз тадбирларнинг ҳаммасига раисниг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари бош-қош.

С. ҲАСАНОВ.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ЧЕМПИОНЛАРГА ОЛҚИШЛАР

БОКС БУЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЧЕМПИОНАТИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Суратларда: (юқорида ўнг да) З. Абдуқодиров, (ўртада чапда) С. Василенко ва пастда В. Шин.

Л. Гусеннов фотолари.

1981 йилги мамлакат чемпиони унвонига муяссар бўлган спортчилар билан танишинг: З. Абдуқодиров (Ўзбекистон), В. Манукян (Арманистон), И. Мирбобоев (Қирғизистон), С. Хачатрян (Арманистон), С. Мичник (Украина), М. Мурадян (Арманистон), И. Акопкохян (Арманистон), С. Василенко (Ўзбекистон), А. Беляев (РСФСР), В. Шин (Ўзбекистон), Г. Бахтоэров (РСФСР), В. Яковлев (Ленинград).

Шундай қилиб, олтин медал эгаларн маълум бўлди. Ун иккн вазнда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилганларнинг учтаси республикамиз вакилларидир.

Чемпионлар билан батафсилроқ танишинг:

ЗОИР АБДУҚОДИРОВ, ангренлик. 18 ёшда. Тошкент область давлат педагогика институтининг студенти. Бокс билан олти йилдан бери шуғулланади. Шу кунгача 90 та учрашув ўтказиб, 83 тасида ғолиб келган. Йил бошида ёшларнинг Бутуниттифоқ биринчилигида учинчи ўринни эгаллаган.

СЕРГЕЙ ВАСИЛЕНКО, фарғоналик. 21 ёшда. Бокс билан етти йилдан бери шуғулланади. Шу кунгача 119 та учрашув ўтказиб, 100 тасида ғолиб келди. Мамлакат Қуролли Кучлари чемпиони бўлган.

ВЛАДИМИР ШИН, бу боксчини спорт мухлислари жуда яхши танишади. Мана бир неча йилдирки, республикамизнинг етакчи боксчилари қаторида Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда қатнашиб келмоқда. Жаҳон кубоги мусобақалари ғолиби, мамлакат Қуролли Кучлари чемпионатида уч марта биринчи ўринни эгаллаган Владимир Шин СССР чемпионатида уч марта финалга чиққан бўлса-да, чемпионлик унвонига муяссар бўлолмаганди. Ниҳоят орзу ушалди! 27 ёшда. Ун икки йилдан бери спорт билан шуғулланади. 223 учрашувнинг 205 тасида ғолиб келган.

Энди сўз чемпионларнинг устозларига:

А. ЦОЙ — беҳад хурсандман. Бу меннинг чемпионлик унвонига муяссар бўлган биринчи шогирдим бўлганлиги билан ҳам бахтиёрман. Айниқса РСФСР вакили, халқаро классдаги спорт мастери А. Клюев билан ярим финалдаги ва ниҳоят В. Ефремов билан финалдаги беллашувлардан мамнунман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Н. ХУСНУТДИНОВ: — бугун шогирдим юзинчи ғалабани қўлга киритди. Бу унга чемпионлик унвонини келтирди. Эндигина 21 ёшга кирган Сергей Василенко биринчи ўрта вазнда яқин орада чиниқамига ҳар томонлама кучли боксчи бўлиб етишиши мумкин.

А. ДИН — ниҳоят шогирдим чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Биз бу ғалабани жуда орзиқиб, узоқ кутдик. Бугунги кунда республика спортида «ветеран»лардан бўлиб қолган В. Шин спортда асли меннинг неварам ҳисобланади. Шогирдим олмалиқлик В. Башкиров Владимир Шинга таълим бергач, бундан беш йил муқаддам уни мени ҳузуримга олиб келди. Уч марта финалга чиқиб, омадимиз келмаганди. Мана ниҳоят орзу ушалди. Қувончимиз чексиз.

Финал учрашувлар ҳақида мулоҳазалар:

Бокс мухлислари «Юбилей» спорт залига барвақтроқ кела бошладилар. Негаки, улар финал беллашувларда биринчи бўлиб рингга ҳамюртлари Зоир Абдуқодиров чиқишини яхши билишарди. 48 килограммгача вазнлилар баҳсида олтин медалга даъвогар бўлган В. Ефремов — З. Абдуқодиров олишуви разведкасиз бошланди. Боксчимиз биринчи раунддаёқ ташаббусни ўз қўлига олиб, рингда тўла устунлик қилди. Иккинчи бўлимда эса рақибини нокдаундга ҳам учратди. Судьяларнинг уччаловн ҳам З. Абдуқодировни ғолиб деб топди. Арманистонлик В. Мкртчян билан украналик С. Мичник учрашуви иккинчи раунддаёқ С. Мичникнинг тўла устунлиги туфайли тўхтатилди. Аввалига рақибини нокдаундга учратган С. Мичник 10—12 секунддан сўнг нокаут қилди.

С. Василенконинг РСФСР вакили, спорт мастери Н. Мельник билан учрашуви мухлисларнинг олқиш ва ҳайқириғи-ю, боксчимизнинг доимий ҳужуми остида ўтди. Қарсак шунчалик авжига чиққанидан учрашув судьяси баҳс тамом бўлганлиги ҳақидаги сигнални эшитмай қолди. Ҳисоб ҳам Сергей Василенконинг яққол устунлигини таъкидлаб турипти: 20:18, 20:19, 20:17.

Владимир Шин финалдаги рақиби, халқаро классдаги спорт мастери литвалик А. Янчаускас ҳужумига муносиб ҳимоя топа билиб, аниқ зарбалар билан очқолар йиғди ва ғолиб келди.

Шундай қилиб, чемпионатда финалга чиққан уч боксчимиз З. Абдуқодиров, С. Василенко ва В. Шин олтин медал эгаси бўлишди.

Чемпионат уюшқоқлик билан ўтди. Тошкент рингидаги олишувлар мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Ш. УМУРЗОҚОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

БУҒДОИЛИ КОНСЕРВАЛАР

БОЛГАРИЯ Халқ Республикасининг консерва саноати институтида мева консерваларини буғдой қўшиб тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди.

Буғдой олма, нок, шафтоли, олхўри ва бошқа меваларидан тайёрланган консерваларга қўшилса, улар таъмини яхшилайди, оқсил, витамин ва минерал составини бойитади.

Янги хил маҳсулот БХР Медицина фанлари академиясининг институтида синовдан ўтказилиб, юқори баҳо олди. Бундай консерваларни тайёрлаш дунёда биринчи марта кенг йўлга қўйилаяпти, улар чет элларда ҳам кўплаб харид қилинишга ҳеч шубҳа йўқ, дейишяпти олимлар.

МИСЛИ ИУҚ АНТЕННА

НИГЕРИЯДА ўзига хос телевидение марказининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда ичига гелий газн тўлдирилган муаллақ шар телеминора хизматини бажаради.

Шундай қилиб, бу ажойиб антенна — шар учтўрт километр баландликда туриб, 200 минг квадрат километр майдонда телепрограммаларни қабул қилиш имконини беради.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТЕАТР

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар ижоди. 10.35 — Умид шамоли. Бадиий фильм. 12.00 Хужжатли фильм. 12.45 — Концерт. 13.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20—Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 16.25 — Концерт. 17.00 — Москва ва москваликлар. 17.30 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 18.00 Биргаликда, аҳил оиламиз. 18.30—Телевизион журнал. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.40 — Мамлакат далаларида. 19.55 — Ҳаммеҳнатизга ташаккур. Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 — Время. 22.05 «Санъат усталари». Софико Чиаурели. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Софико Чиаурели ҳақидаги кўрсатувнинг давоми. 23.35 — Концерт.

ЎзТВ-I

11.30 — Рус адабиёти. «А. С. Пушкин ва Ўзбекистон». 12.00 — Телевизион фильм. 12.30— Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.00 — Кувноклар даврасида. 13.30 — Алёшканинг севгиси. Бадиий фильм. 18.20 — Кўғирчоқ фильм. 18.30 — Ёшлик студияси кўрсатади. 19.00 — Биринчилар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50— Концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Ўзбекистон қовунлари. Репортаж. 22.25 — Фарҳоднинг жасорати. Бадиий фильм.

ЎзТВ-II

18.05 — Болалар учун фильм 18.45 — Телефильм. 19.30 — Ғалла — ризқ-рузимиз. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Меннинг тақдирим. Телевизион бадиий фильм. 3-серия.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АҚАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IX да Ун учинчи ранс, 12/IX да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IX да Тошкентнинг нозанин маликаси, 12/IX да Ишонмасанг ўламан.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети халқ депутатлари Тошкент область Советининг депутати

ХАХАЛОВ Вадим Николаевичнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндошлари ҳамда яқинларига таъзия билдиради.

Тошкент область санитария-эпидемиология станцияси коллективи партия ташкилотининг секретари Т. С. Аҳмедова отаси

Сандғани АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент область ижроия комитетининг юстиция бўлими ва областдаги халқ судлари Паркент район халқ судининг раиси А. Насриддиновга отаси

Насриддин АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари —335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 07343. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64684. Б. 1715.